



ТАСАВВУФ ҚОМУСИ

ВОҲИДОВ АВАЗБЕК

Филология фанлари номзоди, доцент, ТошДШИ

Аннотация. Илмий ахборотда суриялик олим Муҳаммад Юсуф Хатторнинг “Тасаввуф қомуси” номли йирик асарининг тасаввуф илми тадқиқотлари учун муҳим манба эканлиги ҳақида сўз юритилади.

Таянч сўз ва иборалар: қомус, тасаввуф, тасаввуф термини, сўфийлик асослари, шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат, мазҳаб, муҳаддис, манба.

Аннотация. В научном сообщении речь идет о большом произведении сирийского ученого Мухаммада Юсуфа Хаттара “Энциклопедия суфизма”, который может стать важным источником для исследований науки суфизма.

Опорные слова и выражения: энциклопедия, суфизм, термин суфизм, основы суфизма, шариат, тариқат, маърифат, хакикат, мазҳаб, муҳаддис, источник.

Summary. The scientific report deals with the great work of the Syrian scientist Muhammad Yusuf Khattar “Encyclopedia of Sufism” which can become an important source for the study of the science of Sufism.

Keywords and expressions: encyclopedia, Sufism, Sufism, the fundamentals of Sufism, Sharia, Tarikat, Marifat, Khakikat, Mazhab, Muhaddis, the source.

“Қуръон ва Сунна асосидаги тариқат” ёки “Тасаввуф қомуси” номли мазкур йирик асарнинг муаллифи бутун Ислом оламида машҳур ва эҳтиром кўрсатиладиган Аҳлу Сунна вал Жамоа, Араб оламида энг мўътабар ва 1000 йиллик тарихга эга ал-Азҳар университети-нинг битирувчиси, шариат фанлари доктори, замондошимиз, суриялик олим Муҳаммад Юсуф Хаттордир¹. Рус тилига Р. Адыгамов томонидан ўтирилган бу асарда сўфийликнинг пайдо бўлиши, унинг асослари, терминлари, тушунча ва ҳолатлари тизимли равишда шарҳланади ва ҳозирги кунда нафақат жаҳонда, балки ислом оламида ҳам тушунарсиздек кўринаётган, ундан ҳам ҳайратланарлиси, ҳатто диний таълим жараёнида ҳам қатор саволларга сабаб бўлаётган масалалар изчиллик билан изоҳланади. Мазкур қомус муаллифнинг ватанида икки марта нашр этилган. Айтиш мумкинки, мазкур жанрга хос қатор қомуслардан фарқли равишда бу асар сўфийликнинг моҳиятини осон тушунишга салмоқли ёрдам бера олади, зеро тариқат ва ҳақиқатнинг барча асосларини содда ва тушунарли тарзда Қуръони Карим ва Пайғамбаримиз (САВ) Суннатларидан ишончли далиллар келтириб баён қилади.

Муҳаммад Юсуф Хаттор асарнинг кириш қисмида тасаввуфни ишончли ва мустаҳкам асосга эга буюк билим ва таълимот, абадий фаровонликка элтувчи йўл, кўпгина касалликларга малҳам унвонлари билан таърифлайди². Тасаввуф соф исломий ҳаёт ойнаси сифатида инсон руҳини поклайди. Маълумки, тасаввуфнинг мақсади инсонни барча салбий хусусиятлардан тозалаш ва унинг руҳини барча ижобий сифатлар билан зийнатлашдир. Бу йўл Пайғамбар (САВ)га эргашишга чакириб, ўз олдига қуйидаги мақсадларни қўяди:

- 1) инсон руҳини тозалаш ва уни тафтиш қилиш;
- 2) Оллоҳ розилигига интилиш;
- 3) фақирлик ва ниёзмандликка қаноат қилиш;
- 4) эътиқод эгасининг қалбида муҳаббат ва раҳмдилликни тарбиялаш;
- 5) Пайғамбар (САВ) даъват қилган барча зебо сифатлар билан инсон шахсини зийнатлаш.

Сўфийлик қомуси икки йирик қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисм тасаввуфнинг зоҳирий жиҳатларини, иккинчи қисми эса кўпроқ ички олам билан боғлиқ масалаларни ёритади.

Муҳаммад Юсуф Хаттор асари сўфийлик (тасаввуф) асослари, тасаввуф терминининг келиб чиқиши, сўфийлик ва унинг пайдо бўлиши, тасаввуфнинг аҳамияти каби масалаларнинг ёритилишидан бошланади.

¹ Муҳаммад Юсуф Хаттар. Энциклопедия суфизма. - М.: Изд-во Ансар, 2005. Перевод с арабского Р. Адыгамова. - 480 с.

² Кўрсатилган асар. - Б.5.

Пайғамбаримиз (САВ) саҳобалар, тобеъинлар ва тобеъинут тобеъинлар орқали бизга қолдириб кетган Илоҳий илмни ўрганишда олимлар турли йўналишларда изланиш олиб борганлар. Бир гуруҳ олимлар ҳадисларни мукамал ўрганиб, муҳаддислик мақомига, бошқаси эса араб тилининг морфологияси, синтаксиси ва стилистикасини тадқиқ этиб, дастурдонлар даражасига, учинчи гуруҳ олимлар Куръони Карим оятлари тафсирига ўзларини бағишлаб, муфассирлар мақомига эришганлар. Асарда илоҳий илмнинг яна бир йўналиши, яъни исломий ҳуқуқ ва тарбия масалалари ҳам олиму уламолар диққатини ўзига тортиб, айнан тарбия масалаларига сўфийлар кўпроқ эътибор берганликлари мисолида тасаввуфнинг келиб чиқиши манбалари кўрсатилади. Муаллиф сўфий термининг келиб чиқиши ҳақидаги фикрларни ҳам тизимлаштириб олимлар орасида қуйидаги нуқтаи назарлар мавжудлигини қайд этади, яъни сўфий термини:

- араб тилидаги *сафо* “тозаланмоқ, покланмоқ” феълидан ясалган;
- араб тилидаги *суф* “жун” сўзидан ясалган;
- араб тилидаги *сафф* “саф, қатор” сўзидан ясалган;
- араб тилидаги *суффа* “усту ёниқ суна” сўзидан ясалган;
- араб тилидаги *сифат* “сифат, хислат” сўзидан ясалган;
- араб тилидаги *сафват* “танланма, терма” сўзидан ясалган;
- *тасаввуф* сўзини ташкил этувчи ҳарфлардан бошланувчи сўзлар мазмуни жамланган: *та* – *тавба*, *сод* – *сафо* “поклик”, *вов* – *вилоят* “Оллоҳга яқинлик”, *фа* – *фано* “Оллоҳга сингиб кетиш”;

- жоҳилия даврида Оллоҳни таниб Каъбага қўчиб ўтган *суфат* қабиласининг номидан олинган.

Муҳаммад Юсуф Хаттор сўфийларнинг асосий интилишлари Илоҳий илмнинг авлоддан авлодларга ўтишида унинг асослари, мазмуни ва шаклига путур етишининг олдини олиб боришдан иборат бўлганини ишонарли манбалардан далиллар келтириб шарҳлайди. Абу Ҳошим (вафоти 150 ҳ.й.) биринчи бўлиб

ўзини сўфий деб атагани, Зуннун ал-Мисрийнинг (вафоти 334 ҳ.й.) сўфийлик эътиқодини биринчи бўлиб баён этгани ва ал-Жунайд ал-Бағдодийнинг (вафоти 334 ҳ.й.) сўфийлик эътиқодини биринчи бўлиб тизимга солгани ва оммалаштиргани ҳақидаги маълумотлар асосида сўфийликнинг II ҳижрий асрдан бошлаб шаклланигани ва кенг ёйилгани кўрсатилади. Тасаввуфнинг асосини инсон руҳини поклаш, уни барча салбий нарсалардан тозалаш ва ижобий хислатлар билан безаш ташкил этишига мисоллар келтирилади. Бу илмнинг аҳамияти ҳақида муаллиф томонидан Куръони Карим, Пайғамбаримиз (САВ) Суннатлари ва ислом оламида мўътабар ҳисобланувчи имомларнинг эътирофларидан иқтибослар келтирилади. Тасаввуф ҳақидаги таърифлар таҳлили натижасида унга икки мингга яқин таъриф берилгани ва уларнинг ҳар бири тасаввуфнинг моҳиятини очиб бериши қайд этилади.

Сўфийлик ақидасининг асосини тавҳид – Оллоҳнинг ягоналигига ва унинг мукамаллигига ишонч ташкил этади. Сўфийнинг ахлоқий меъёрлари эса қуйидагиларни қамраб олади: камтарлик, мавжудотлардан келувчи зарарга сабр-тоқат, бошқаларни ўзидан устун қўйиш, ёмонликни кечириш ва унга яхшилик билан жавоб қайтариш, хушмуомалалик ва очиқ чехралик, ўз мулкини саховат ила сарфлаш, муҳаббат ва ҳамфикрлилик, Оллоҳ йўлида жаҳд ва рашк қилиш. Асарда тавҳид ва мазкур меъёрларга мўътабар нуқтаи назарларга таяниб содда ва аниқ таърифлар берилади.

Кейинги бўлимда тавассул – Оллоҳга яқинлашиш восита ва йўлларида фойдаланиш ҳақидаги фикрлар жамланган. Тавассулнинг истиғоса ва истиғона терминлари билан маънодош эканлиги, уларнинг маъноси эса банда мадад сўраб фақат Оллоҳга мурожаат қилиши шартлиги ва бунда унинг тегишли имкониятларга эга бўлган бирор бир бандаси восита вазифасини ўташи мумкинлигидан иборатлигини Куръони Карим, Ҳадислар ва саҳобаларнинг сўзларидан мисоллар билан тушунтирилади. Оллоҳга мурожаат воситаси сифатида мутаваф-

фо авлиёлар ҳам иштирок этиш мумкинлиги юқоридаги тарзда далилланади.

Асарнинг биринчи қисми давомида муаллиф қатор тасаввуф терминлари, яъни **мадад, назра, мавлид, табаррук, хадра, сиёда, қиём, зикр, тасбиҳ** каби терминлар ва улар билан боғлиқ тадбирлар изоҳи билан бир қаторда **доира (дуфф), қўшиқ айтиш ва тинглаш, мусиқа ва шеърхонлик, Қуръони Карим тиловати** билан боғлиқ нуктаи назарлар тавсифини беради.

Сўфийлик Қомуси китобининг иккинчи қисми жамоавий зикр масалалари билан бошланади. Жамоавий зикрга чақирувчи ҳадислар, уламолар фикри навбат билан келтирилади. Оллоҳ йўлидаги муҳаббат – муқаддас алоқа (**Робита аш-шарифа**) номли бўлимда **ишқи ҳақиқий ва ишқи мажозий** ҳақида фикр юритилади. Қасам, унинг аҳамияти, жоизлиги ва турлари ҳақидаги фикрлар ҳам Қуръони Карим ва Пайғамбаримиз (САВ) Суннатларидан далиллар орқали шарҳланади. Иккинчи қисм давомида **муршид** (устоз) ва унга қўйиладиган талаблар, муршиднинг сифатлари тавсифидан сўнг, **сухба** (руҳий яқинлик), **вирд** ва унинг турлари, **каромат** ва **истидрож, шатҳ, ваҳда-тул вужуд, ал-иттиҳод** (бирлашиш), **ал-хулул** (сингиб кетиш) терминлари изоҳланади.

Тасаввуфда ўзининг алоҳида ўрни билан ажралиб турувчи олим Муҳиддин ибн Арабий шахсияти ва унинг асарлари борасидаги нуктаи назарлар таҳлилига ҳам қомусда махсус бўлимлар ажратилган. Муаллиф олимга бўлган ишончсизликлар боиси ва унинг ақидаларини яхши ёритиб беради.

Ал-мужоҳада (жаҳд, сайъ-ҳаракат) термини таърифи, унинг даражалари, йўллари изоҳидан сўнг тасаввуфда муҳим аҳамиятга эга **тариқат** ва **ҳақиқат** тушунчаларига ўтилади. Олимлар ва мутасаввифларнинг тариқат ва ҳақиқат ҳақидаги фикрлари шарҳи асосида бу икки тушунчанинг таърифлари келтирилади. Тариқат ва ҳақиқатнинг асоси Қуръони Карим ва Пайғамбаримиз (САВ) Суннатларига сўзсиз таяниш экани, тариқатларнинг кўплиги уларнинг мақсадлари ҳар хиллиги билан эмас, балки ҳақиқатга етишиш усуллар ва восита-

ларининг фарқланиш билан изоҳланиши тегишли оят ва ҳадислар билан далилланади.

Кейинги бобларда **Сунна** ва **бидъа** (янгилик) орасидаги тафовутлар, бидъанинг моҳияти, турлари ҳақида муфасссал маълумот берилади. Бидъанинг маъқулланган ва рад этилган турларидан тортиб, **вожиб, мандуб, мубоҳ, макруҳ** ва **ҳаром** турларигача тегишли мисоллар асосида таърифланади. Бидъанинг саҳобалар томонидан қиритилган турлари, масалан, намоздан кейин қўлни дуога қўтариш, Пайғамбаримиз (САВ)га салавот айтиш, мақбараларга масжидлар қуриш каби бидъаларнинг асоси таҳлил қилинади.

Муаллиф асар давомида мазҳаблар ҳақида маълумот бериб, уларнинг вужудга келиш сабаблари, мазҳабларга тарафдорлар ва қаршиларнинг фикрларини шарҳлайди. Мазҳаблар орасидаги умумий ва тафовутли жиҳатларни қайд этади.

Асар якунида олиму уламолар ва зоҳидларга муносабат ахлоқлари, мусулмон аёлнинг ҳижоби, намоз, жума намози, таровиҳ намози, витр намози, азондан кейинги салавот, таъзиядор хонадондаги одоблар, вафот этган кишига муносабатларга таърифлар билан бир қаторда таъвил (тушунтириш, тафсирлаш) ва мажоз (кўчма маъно) терминлари ҳам изоҳланади.

Юқорида асар ҳақидаги маълумотларни имкон қадар тўлиқ қамраб олишга ҳаракат қилинди. Аммо асар ҳақидаги маълумотлар жамланмаси фақат йўл кўрсатувчи мақомга эга бўлади, холос. Асарни бевосита ўқиб, унинг мазмун-моҳияти билан танишган киши янада кўпроқ хусусиятларни илғаш мумкин. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, Муҳаммад Юсуф Хатторнинг “Тасаввуф Қомуси” асари 50 га яқин мўътабар муҳаддисларнинг, ислом оламида эътироф этилган ва тан олинган 200 дан ортиқ олиму уламоларнинг асарларига таянган ҳолда яратилгани билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Асар нафақат тасаввуф масалаларига қизиқувчи ҳар бир киши ундан етарли маълумот ола билиши, балки илмий тадқиқотчиларнинг тасаввуфга турли ёндашувлар, шариат, тариқат, ҳақиқат, маърифатга фарқли нуктаи назарларни ўзаро қиёслаш имкониятига эга бўлишлари билан ҳам алоҳида қадрлидир.